# Қизиқарли суҳбат

Кеча ЎзХДП Марказий Кенгашида АҚШ Миллий демократик институти вакиллари, — Жоанна Левисон хоним, Рожер Кангас ва Росс Рейд жаноблари, — уларнинг илтимосига биноан, қабул қилиндилар. Меҳмонлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятдаги мавқеи, сиёсий фаолияти ва мамлакатдаги бўлажак сайловларга муносабати каби масалалар билан қизиқдилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов уларга республикамизда демократиялашув тамойилларининг ривожланаётганлиги, кўппартиялилик тизимининг қарор топиши, ушбу жараёнларда Ўзбекистон ХДПнинг ўрни ва иштироки тўғрисида сўзлади ҳамда меҳмонларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

***Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати***

# Сурхонда бодом гуллади

Қиш-қировли кунлар бўлишига қарамай, Сурхондарёда баҳор нафаси кеза бошлади. Қир-адирларда баҳор даракчилари — ўт-ўланлар уйғонмоқда. Воҳада бошқа вилоятларга қараганда кўклам барвақт келиши табиий. Димоғингизга соғиниб кутган гулларнинг ажиб насими урилади. Бу бодом гуллаганидан нишона. Биз ҳам барчанинг кўзини яшнатиб, дилларга қувонч бахш этгувчи бодом гулларининг гувоҳи бўлдик. Гуллар чаманига термулиб шукрона айтдик. Илло, бодомнинг эрта гуллаши тўкинчилик, ободлик, фаровонлик, тинчликдан дарак бергусидир Ҳа, сен баҳорни соғинмадингми, деганлари шу. Яна баҳор, Наврўз, деҳқончилик, чорвачилик...

***Абдумалик ҲАЙДАРОВ***

# Ҳеч ким жабр кўрмади

Кеч соат йигирмаларда Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси тезкор навбатчилик қисмига қўнғироқ бўлди. Маълум бўлишича, Бектемир тумани Бинокор қўрғони ёнидан оқувчи Чирчиқ дарёси ўртасида айрим сабабларга кўра ботиб қолган трактор ва унга тиркалган уловда 5 та одам бўлиб, зудлик билан қутқариш лозим эди.

Воқеа юз берган жойга Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли ҳудудлараро тезкор ҳаракат маркази қутқарув бўлими, ўт ўчирув қисмлари ва тез тиббий ёрдам бригадаси етиб борди. Ҳақиқатдан ҳам қирғоқдан 35 метр нарида дарёнинг чуқур жойида 5 та трактор аравааси билан ботиб қолган экан. Тезкор гуруҳ махсус сузиш мосламаларини ишга солиб одамларни зудлик билан қирғоққа олиб чиқишди. Аён бўлишича, Ўрта-Чирчиқ тумани «Янги турмуш» жамоа хўжалигига қарашли 5 та трактор билан Сирғалидаги «Вторчермет» заводига темир терсак ташилган. Қайтишда вақтни тежаш ва йўлни қисқартириш мақсадида дарёдан кечмоқчи бўлишган.

***Азамат СУЮНОВ***


**Ватанни севмак иймондандур!**

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1999 йил 11 февраль, пайшанба • № 18 (24.413).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


**Ёшлар — келажагимиз**

# Сенинг ўғлонинг, ўзбегим!

Бўй басти келишган йигит. Исми жисмига монанд ўғлон. Халқимизнинг ифтихори ҳисобланган алп ўғлонларнинг биринчиси Рустами достон эмиш. Алпомиш ҳам миллат мулки. Замонамиз Рустами ҳам ўз исмига муносиб эканини амалда намоён этмоқда. Юртимиз истиқлолга етганда бор-йўғи 11-12 яшар бўлган болакай бугун халқимизнинг суюкли ўғлонига айланиб турибди. Мозийдан аёнки, бобокалонларимиз юрт дахлсизлигини таъминлаш важидан жангга отланганлар. Мана энди бундай жангларнинг маъноси чоғроқ шахмат тахтасига кўчган бўлса не ажаб. Аслида шахмат катаклари бўйлаб от суриб, фил ўйнатиб, қизғин ва муросасиз жанглар сурони давом этса-да биз уни андек юмшатиб, баҳслар деб юритамиз. Зотан, бу баҳсларда ҳам ҳар бир иштирокчи аввало ўз юрти шарафи учун тафаккур жангига кириши табиий.

Рустам иқтидорли шахматчилардан бўлгани учун ҳам тезда назарга тушди. Ахир халқаро гроссмейстер, Осиё чемпиони, жаҳон биринчилиги совриндори, нуфузли мусобақалар ғолиби жаҳон рейтинги 2565 мингдан зиёд ва ниҳоят «Ўзбекистон белгиси» нишондори. Энг қизиғи, кейинги уч йил ичида миллий спорт усталигидан халқаро спорт усталигигача бўлган йўлни босиб ўтди. Булар айтишга осон. Бу ҳаммаси ўғлоннинг имкониятлари чексизлигидан дарак беради. Рустам Қосимжоновни қарийб 100 йилдан бери Голландиянинг Рейк-Ан-Зе шаҳрида анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган энг кучли шахматчиларнинг супер турнирида иштирок этишга имкон топиши ҳам шундан нишона.

Аслида бундай мусобақада иштирок этишнинг ўзи фахрли. Шунга қарамай, бир неча кун мобайнида мухлисларнинг диққат-эътибори Голландияга қаратилди. Шу аснода шов-шув кўтарилди. Боиси, бу ҳаммаси шахмат тарихимизда биринчи марта юз бераётганидан эди. Куни кеча эса Рустамнинг қайтиши ўзига хос тантанага айланди. Тошкент аэропортида карнай-сурнайлар чалинди. Мухлислар, спорт жамоатчилиги, журналистлар Рустамни даврага олдилар. Унинг чеҳрасида мамнунлик зоҳир эди. Эртасигаёқ миллий матбуот марказида яна журналистлар билан учрашув бўлди. Мулоқотлар, учрашувлар, саволлар. Рустам Қосимжоновнинг турли саволларга берган жавобларининг моҳиятини баён этишга ҳаракат қиламиз.

У Тошкент Давлат университетининг математика факультети 4-курс талабаси. Ҳозирча мураббийси йўқ. Кўпроқ Сайдали Йўлдошев билан ҳамкорлик қилади. Унинг сафарларига Республика спорт қўмитаси, Миллий банк, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳомийлик қилмоқда.

— Голландия мусобақасида бўш вақтлар ҳам беҳуда ўтмади, дейди гроссмейстер. Блицтурнирда олтита ғалабага эришиб, еттитасини бой бердим, дуранг натижа йўқ. У мусобақада иштирок этишнинг маънавий ва моддий рағбатлари хусусида алоҳида тўхталди.

— Кўпчилик шахматчиларга маза, деб ўйлайди. Ҳар бир ғалабасига «мунча» олади деган гаплар бор. Кечирасизлару ҳозирча жаҳон миқёсида шахматчиларга осон тутиб бўлмайди. Энг машҳур дона суриш усталари ҳам ўз ғалабалари билан фахрланишдан нарига ўтаолмаяптилар. Айтайлик Голландия турнирида ҳам ўша жаҳон чемпиони Каспаровга 10 минг доллар насиб этди, холос. Бу ёғини хомчўт қилсангиз, бўлаверади.

Жаҳон чемпиони Каспаровнинг маҳорати, мавқеи ҳаммага маълум. Мен у билан рўбарў келишни кўпдан бери орзу қилардим. Ниҳоят, орзуимга эришдим. Кўпчилик унинг Топалов билан ўйинини бошқача баҳолашди. Менга эса чемпионни пиёдага руҳни бериб юбориши ёқмади. Биласизки, нуфузли мусобақага энг кучлилардан 14 нафари йиғилганди. Шулардан 4 нафари менга ўхшаш илк бор қатнашаётган ёшлар эди. Шундай баҳсда 8 ўйинни дуранг қилиб, битта ғалабага эришиш, менимча чакки бўлмади. Албатта, бундай мусобақада иштирок этиш фахрли, айни пайтда қийин. Рақибларнинг кучлилиги бутун маҳорату имкониятингни синовдан ўтказишни тақозо этади. Уларнинг қандайдир кучли, сирли ва мураккаб юришларидан ақлинг шошади. Бундай баҳсларда менга ўхшаганларга дуранг ёки ютқазиш табиий деб қаралади. Айтарли аҳамият берилмайди. Бордию ютишгача бориб етсанг тайёр шов-шув деяверинг. Қисқаси шахмат — санъат даражасигача етганини ҳис этиш, назаримда фақат етуклар даврасида юз берса керак. Ҳали олдинда қиладиган ишлар кўп. Бор-йўғи 10 кун дам оламан. Кейин яна сафарга. Олмонияда ўтказиладиган клуб учрашувларида қатнашмоқчиман. Ҳар жамоада 8 нафардан шахматчи. Балки яқин орада Олмония чемпионлиги насиб этар. Швейцарияда ҳам қизиқарли баҳслар кутмоқда. У ерга 8 нафар ёш гроссмейстер таклиф қилинган. Ёзда эса мен учун энг фахрли ва масъулиятли баҳс, яъни АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этаман.

Кўпчилик машҳурларга осон дейишади. Зеро, эл назарига тушишнинг ўзига хос юки, масъулияти бўлади. Фақат Ватан ишқини қалбга туйганларнигина муроди ҳосил бўлар. Шунинг учун бўлса керак, Голландияда руҳий қийинчиликларни сезмадим. Муҳими, ким билан қандай ўйнаганлигимдан қатъи назар баҳснинг моҳияти, тўғриси Каспаров билан дона сурганим хотирамда муҳрланди. Чемпионни машҳурлигини писанд қилмаслик осон бўлмагандир дейишади. Ўйлайманки, бунга аввалдан руҳий тайёргарлик кўрганим асқотди, орзуим ушалди. Ҳар қалай, менда зўрлар билан бир тахтада ўтириш бўйича тажриба ва кўникма ҳосил бўлди.

Юртингизни соғиндингизми, деган саволлар бўлди. Бундай ҳис мени ҳеч қачон тарк этмаган. Қаерда бўлмайин шу жаннатмакон диёрдан умид узиб бўлармиди?! Ўша меҳмондўст, меҳнаткаш миришкор, қолаверса, сабр-қаноатли, зеро дўппи кийиб ғозу соз юрадиган ўзбегимнинг ўғлони эканим билан фахрланаман! Ҳамиша донишманд юртбошимиз, меҳрибон элимиз хизматида бўлишга ошиқаман. Бундай нуфузли мусобақалар Тошкентда ҳам ташкил этилишини ҳамиша орзу қиламан.

***Ҳайдар НОСИРОВ***

# Бўшлиқ бўлса, биз айбдор

— Ассалому алайкум, «Ўзбекистон овози» газетасими? — дейди эшикни қия очган кекса отахон бир эшик ортидаги ёзувга, бир бизга кўзойнаги устидан назар ташлар экан.

— Ҳа, келинг, — деймиз, алик олиб.

— Менга битта мухбир керак, гапларим бор эди...

Ўзини Каттақўрғон шаҳри, Ҳайитов кўчасида яшовчи Муродулла Сапаров деб таништирган бу киши узоқ гапирди. Ҳатто айрим гаплари билан бизни хижолатга солди. Чунки, у ҳали биз ўйлаб улгурмаган нарсалар ҳақида шундай тиниқ фикрлар билдирдики, уларни халққа айтиш аслида бизнинг вазифамиз эканлигидан, отахоннинг танқидлари жуда ўринлилигидан қизариндик.

— Президентимизнинг «Туркистон» газетаси мухбирига берган жаваблари фақат ёшларгагина эмас, биз кексаларга, сиз мухбирларга ҳам қаратилган, — дейди отахон. — Мен бошқа нарса ҳақида эмас, биргина ёшлар онгига таъсир қилишга уринаётган кучлар ҳақидагина гапирмоқчиман. Ғоявий бўшлиқ бўлган жойда бизга ёт ақидалар пайдо бўлади, деган гапнинг ўзи ҳаммамизнинг кўзимизни очишимиз учун етарли. Ука, ўйлаб кўринг, бу ҳол бугун кўз олдимизда содир бўлмаяптими? Ҳар хил бузғунчи оқимларга эргашаётган ёшларимизни кўриб, уларни койишдан нарига ўтмаяпмиз. Аммо, бунда ўзи уларни айблашга ҳаққимиз борми? Уларнинг бу аҳволга тушишига энг аввало ота-она, маҳалла-кўй, сизу биз айбдор эмасмизми? Ахир ёшларнинг онги тоза қоғоздай гап. Агар бу қоғозга миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, Ватанга муҳаббат каби туйғулар аксини биз тушириб бормасак, ғайир кучлар унга бошқа нарсаларни жойлаштириши табиий ҳол. Демак, бепарволик билан қанчалик катта хатога йўл қўяётганимизни англаган ҳолда кўзимизни каттароқ очишимиз керак. Бунинг учун эса Президентимиз берган туртки ҳаммамизга катта сабоқ бўлмоғи лозим.

Укажон, шу гапларни газетангизга ёзсангиз, халқимизга бир кекса одамнинг насиҳати сифатидами, хатосини англаб, уни тузатиш учун ҳамкор излаётган бир одамнинг дил сўзлари сифатидами етказсангиз...

Отахон чиқиб кетгач, узоқ ўйга толдик. Аслида бу гапларни халқ орасига кириб биз олишимиз керак эди. У киши эса ёлғиз ўзи тушунгани билан ҳеч нарса қила олмаслиги, бу гапларни бошқалар ҳам билиши кераклигини англаган ҳолда шунча йўл босиб келибди-я.

Дарвоқе, уни қийнаётган дард нақадар оғир. Ахир, ростдан ҳам ҳар хил оқимлар домига тушиб қолаётганларнинг аксарияти маълум бир йўналишда тарбия кўрмаётган, мактабга чала-чулпа қатнаб, асосий вақтини кўча-кўйда, бозорда ўтказаётган ёшлар эмасми? Улардаги маънавий бўшлиқдан ҳар хил тоифадаги гуруҳлар фойдаланиб қоляптими? Агар ўша болаларнинг тарбиясига ота-онаси, маҳалла-кўйи жиддийроқ эътибор қаратса, уларнинг бўш вақтларини бирон нарса ўрганишга, Ватан тарихи билан, миллий ғоялар билан танишишга жалб қилишса, улар осонгина алданиб қолмаган бўлмасмиди? Оддий қилиб айтганда, қоғознинг икки томони борлигидан, унинг бир томони оқ, бир томони қора эканлигидан бехабар болани унинг фақат қора томонини кўрсатиб алдаш жуда осон кечади. Ишонувчан бўлган болани эса унинг оқ томони ҳам борлигига ишонтириш жуда оғир. Демак, унга ўз вақтида тўғри маълумот етказишимиз лозим. Бу эса ҳар бир онгли фуқаронинг бурчи, тўғри эмасми?

***Нурбек ТОШНИЁЗ, «Ўзбекистон овози» мухбири***

# Комилликка интилиб

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида Президент Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод орзуси» асарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Анжуманни Республика Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов кириш сўзи билан очди. У китобнинг аҳамияти, асарда илгари сурилган ғоялар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

— Бу китоб аввало барча ёшлар учун муҳим дастурдир, — деди ТошДУ фалсафа факультети II курс талабаси С. Эргашев. —Асарнинг моҳиятини, юртбошимиз илгари сурган ғояларни англаган тенгдошларимиз, шубҳасиз ҳақиқий комил, фидойи инсонлар бўлиб улғаядилар.

Китобда йўлбошчимизнинг маърифат ва ёшлар тарбияси, янги таълим тизимининг мақсад ва вазифалари, босқич ва шакллари хусусидаги мулоҳазалари баён этилиб, уларнинг мазмун-моҳияти кенг ёритиб берилган.

Ҳар бир ватандошимиз асарда илгари сурилган вазифаларни амалга оширишни ўзининг шарафли бурчи деб билмоғи зарур.

Китобнинг тақдимот маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев иштирок этди.

***Фаррух ҲАМРОЕВ***

# Навоий даҳосига таъзим

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий анжуманнинг 43-йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманга ҳавола этилган «Олий ўқув юртларида навоийхонлик муаммолари», «Хожа Аҳрор Валийнинг Навоийга ёзган бир мактуби», «Маноқиб жанри ва «Хамсат ул-мутаҳаййирин» каби маърузалар йиғилганлар диққатини ўзига тортди. Йиғилиш давомида Алишер Навоийнинг насрий услуби ва давр муҳитига, ижодининг оламшумул аҳамиятига яна бир бор назар ташланди. Барҳаёт сиймонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида навоийшунос олимлар А.Ҳайитметов, А. Ўринбоев, У. Тўйчиев, Ё. Исҳоқов, С. Ғаниева, Қ. Эргашев, А. Ш. Жузжонийлар ўз тадқиқотлари давомида кузатган қизиқарли маълумотларни гапириб беришди.

Шунингдек, бу анжуманда шоир Й.Сулаймон, академик А. Қаюмов, профессор Т. Мирзаев ҳамда ТошДУнинг ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди. Йиғилиш Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

***Гўзал НОРЧАЕВА***

# Россия Федерал Мажлиси делегациясининг ташрифи

10 февраль куни Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг раиси Егор Строев Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида Е.Строев ва унга ҳамроҳлик қилаётган меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Пацев ҳам бор эди.

***(ЎзА)***

# XXI аср ўзбек ёшлари



*Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

**Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги**

# Қинғир ишнинг қийиғи...

«Фалокат оёқ остида» дейишади. Биргина ўтган 1998 йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида 1425 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунинг оқибатида 215 киши ҳалок бўлган 1815 киши турли кўринишдаги оғир тан жароҳати олган. Таҳлил қилиб кўрилганда, ушбу йўл транспорт ҳодисаларининг деярли ҳаммаси оддий эътиборсизлик, лоқайдлик ёки манманлик билан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш туфайли юз берган.

Янада ачинарли томони шундаки, билиб-билмай бундай нохуш ҳодисаларни содир этаётганларнинг айримлари алдамчи хаёллар билан янада оғирроқ жиноятларга йўл қўйишмоқда.

1999 йилнинг 1 январь куни соат 14.30 ларда Миробод туманидаги Мовароуннаҳр кўчаси бўйлаб Фиат русумли транспорт воситасини бошқариб бораётган, 1968 йилда туғилган Олег исмли ҳайдовчи О. Бектамов исмли пиёдани уриб кетади. Балки бунга йўлни белгиланмаган жойидан кесиб ўтаётган пиёда сабабчи бўлгандир. Бироқ, Олегнинг жароҳат олган пиёдага ёрдам кўрсатмай, содир этилган нохуш ҳодиса ҳақида ички ишлар идораларига хабар қилмай қочиб кетгани энг катта жиноятлардан ҳисобланади.

Пиёда О. Бектамовга жароҳат етказган ҳайдовчи эмас, бошқалар ёрдам кўрсатди. У зудлик билан касалхонага ётқизилди. Миробод тумани ИИБ ДАНБ взвод сардори, милиция лейтенанти Н. Ҳамдамов ва қидирув, суриштирув нозири милиция лейтенанти З. Бердиев томонидан «қуён» бўлган ҳайдовчи тез орада қўлга олинди. У автомашинасини танишларидан бирининг гаражига яшириб қўйган экан.

Шу йилнинг 4 январь куни соат 9.00 ларда Норхўжаев кўчасидаги «Сардор» дўкони атрофида 43 ёшли Роза исмли аёлнинг пальтоси нотаниш автомашинанинг орқа бамперига илиниб қолиб, оқибатда бир неча метр масофага судралиб боргани ва у аёлнинг жароҳат олганини била туриб ҳайдовчи ёрдам кўрсатмай қочиб кетгани ҳақида хабар тушди. Елка ва қўллари қаттиқ жароҳатланган аёлга тезлик билан ёрдам кўрсатилиб касалхонага ётқизилди. Миробод ТИИБ ДАНБ қидирув ва суриштирув ишлари нозирлари ва Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ қидирув бўлими нозири, милиция катта лейтенанти Ф. Муталов кўрган чора-тадбирлар туфайли ушбу ножўя хатти-ҳаракат 45 ёшли Д. Баҳромов томонидан содир этилгани, унинг бошқарувида ВАЗ 2101 русумли, оқ рангли автомашина бўлгани аниқланди.

1999 йилнинг 9 январь куни соат 13.00 ларда эса Старадубцева кўчаси бўйлаб Иж-«Юпитер» русумли мотоциклни бошқариб бораётган ҳайдовчи пиёда Ш. Ҳақназаровани уриб юборади. Москвич русумли автомашинани тўхтатиб, тан жароҳати олган аёлни дугоналари билан бирга унга ўтқазиб, касалхонага жўнатади. Бироқ, ўзи жуфтакни ростлаб қолади. Аммо, тез орада 1947 йилда туғилган Нерик исмли шахс ва унинг бошқарувидаги транспорт воситаси қўлга олинди. Ҳайдовчи муқаддам судланган шахс бўлиб, «ҳайдовчилик гувоҳномам йўқлиги сабабли қочиб кетдим», деб туриб олди. Бироқ, қайсидир қоидабузарликдан қочиб қутуламан, деб ўйлаб янада оғирроқ қонунбузарликка, жиноятга йўл қўйганини кеч тушунди.

Биз бу мисолларни бекорга келтирмаяпмиз. Сўнгги пушаймонга куним қолмасин, деганлар ҳар бир хатти-ҳаракати оқибатини ўз вақтида ўйлаб кўришлари лозим. Ахир, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деб бежиз айтмайдилар.

***Илҳом ПОЛВОНОВ, Миробод ТИИБ ДАНБ ходими, милиция капитани.***




## Инсоният тарихидаги рекорд

Сўнгги 11 йил ичида дунё аҳолиси бир миллиард кишига кўпайган. Бу инсоният тарихидаги рекорд натижадир. 1999 йилнинг октябрь ойига бориб эса ер юзи нуфуси олти миллиард кишини ташкил этиши кутилмоқда. Мазкур соҳа билан шуғулланувчи БМТ жамғармаси ижрочи директори Нафиз Содиқ аҳоли ва тараққиёт масаласида Гаагада ўтказилган анжуманда юқоридаги маълумотларни эълон қилди.

Унинг айтишича, айни пайтда аҳоли сони юқори сурат билан ўсиб бораётир, ўлим эса туғилишга нисбатан жуда кам. Ҳозир дунё бўйича 60 ёшдан ошганлар сони 578 миллион кишига етган. Айниқса, 15-24 ёшдагилар сони кейинги пайтларда кескин ортиб бораётгани кузатилган. Улар сони бир миллиардга етган. Лекин бу ёшдагиларга таълим бериш ва тиббий хизмат кўрсатиш борасида муайян муаммолар келиб чиқмоқда. «Бир кунда 16 минг киши ОИТС вирусига чалинади. Уларнинг асосий қисмини эса ёшлар ташкил қилади», деди Н.Содиқ ўз маърузасида.

## Президентлар Люксембургда учрашишмоқчи

Озарбойжон, Арманистон ҳамда Грузия Президентлари келгуси ойларда Люксембургда учрашишади. Германияга амалий ташриф билан борган Озарбойжон ташқи ишлар вазири Тавфиқ Зулфуқоров шуни маълум қилди.

У ташриф давомида Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан учрашиб, икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ҳамда бўлажак олий даражадаги анжуман билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашди. Т. Зулфуқоровнинг айтишича, бўлажак олий даражадаги учрашувда Кавказорти мамлакатларидаги мавжуд муаммолар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

## Агар... ёрдам тўхтатилади

Япония огоҳлантирадики, агар Шимолий Корея ракета синовларини давом эттирадиган бўлса, Корея ярим оролини энергетика жиҳатидан ривожлантиришни молиявий таъминлаш учун бериладиган ёрдамларни тўла тўхтатиб қўяди. Шу билан бирга АҚШ ҳам Шимолий Корея ракеталарини синовдан ўтказишни давом эттириш оғир оқибатларга олиб келишини ва Вашингтон ҳамда Пхеньян ўртасидаги муносабатларни барбод қилиши мумкинлигини эслатиб қўйди.

## Маърузада айтилишича...

АҚШда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 3,9 фоизга кўпайди, дейилади Президент Клинтоннинг маърузасида. Кейинги йилларда Америка иқтисодиёти ўта юксалди. АҚШ маъмуриятининг тахминларига кўра, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бу йил икки ярим фоиздан ошади. Бунда ишсизлик ва инқироз унчалик сезилмайди.

## Харажатлар камайтирилади, солиқлар кўпайтирилади

Бразилия Халқаро валюта жамғармаси билан оғир кунларни бошидан кечираётган мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш йўллари соҳасида келишувга эришди. Январь ойида Бразилия валютаси — реалнинг қадри кескин тушиб кетди. Дастлабки шартномалар ҳақида мамлакат пойтахти — Бразилиада келишиб олинди. Бразилиянинг молия вазири Педро Малан давлат харажатларини қисқартириш ва солиқларни кўпайтириш ҳақида фикр билдирди. Халқаро валюта жамғармаси тақсимотчи директорининг ўринбосари Стенли Фишер эса Бразилияга 41 миллиард доллар миқдоридаги қарз аста-секин бериб борилади, деди.

*Мустақиллик мезонлари*

# Ҳар соҳада дастуриламал

Собиқ иттифоқ парчалангач, бирмунча муддат жуда мушкул сиёсий-ижтимоий вазият вужудга келди. Бундай пайтда мамлакатни бошқариш учун мустақил фикрловчи, халқ манфаатини кўзлаб иш юритувчи ва узоқни кўра билувчи раҳбар керак бўлади.

Ҳамдўстлик давлатларининг яқин етти йиллик тарихига назар ташлайлик. Россия, Тожикистон, Молдова, Кавказ минтақасидаги давлатларда сиёсий беқарорлик, иқтисодий инқироз, уруш-тўполонлар, очарчилик, жиноятчилик ҳамон давом этмоқда. Айрим давлатлар раҳбарлари озиқ-овқат, газ, электр-қуввати, иш ҳақи масалаларини тўла-тўкис ҳал қилиш у ёқда турсин, ўз халқининг хавфсизлигини, ҳудудий яхлитлигини таъминлаш муаммоларини ҳам еча олмаяптилар.

Бугунги кунда Россияда, Ю.Лужковнинг таъкидлашича, иқтисодий кўрсаткичлар шунчалик пастки, бу иккинчи жаҳон уруши даврида келтирилган моддий зарарга тенглашиб қолган. Бир пайтлар бошқа давлатлардан кўп жиҳатлари билан устун бўлган Россия бугун қарздор давлат мақомини олган, ўн миллионлаб россияликлар йиллаб иш ҳақларини ололмагани боис иш ташлашга мажбур бўлмоқда.

Бизда эса Президентимизнинг саъй-ҳаракати туфайли мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзига хос йўли танланди, «ўзбек модели» ишлаб чиқилди. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Биз бугун мислсиз ўзгаришларнинг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз.

Маълумки, Президентимиз буюк келажакни кўзлаб амалга оширилаётган ишларнинг раҳнамоси ва бевосита иштирокчисидир. Юксак маънавияти, кенг тафаккури ва фалсафий таълимоти билан мамлакатимиз равнақига беқиёс ҳисса қўшиб келаётганлигини нафақат биз, Ўзбекистон халқи, балки бошқа халқлар ва давлат раҳбарлари ҳам эътироф этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўтиш даврида ва ислоҳотда Ўзбекистоннинг ўз йўли борлигини дадиллик билан таъкидлаб келмоқда. Президентнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида ўхшаши бўлмаган, бетакрор, яхлит андозаларни ишлаб чиқиш, ўзимизга хос йўлни танлаб олиш ҳақида батафсил маълумот берилади. Асарнинг энг муҳим томони шундаки, бозор муносабатларига ўтиш уч таркибий қисмга бўлиниб, аниқ ва равшан таҳлил қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида эса республикамиз халқининг моддий ва маънавий фаровонлиги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мақсади, стратегиясининг илмий-назарий ва амалий томонлари тўла ёритиб берилган. Аввало шуни таъкидлаб ўтмоқ зарурки, Президентимиз асарлари бозор иқтисодиёти назариясига қўшилган салоҳиятли илмий-амалий ҳиссадир. Чунки, шу кунгача жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасида бозор иқтисодиёти назарияси жуда пухта ишлаб чиқилган ва амалиётда синалгандир.

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар муваффақиятининг сабабини эса жаҳон тажрибасига таянган ҳолда ўз тараққиёт ва ривожланиш йўлимизни белгилаб олганлигимиздан ва бу йўлни изчил, босқичма-босқич босиб ўтаётганлигимиздан, деб билмоқ керак.

Айнан мустақиллик йилларида халқимизга 750 минг гектар томорқа хўжалиги учун ер ажратилди, нефть ишлаб чиқазилиши етти баробар, газ ишлаб чиқазилиши олти баробар кўпайди. Биз дунёда тилла конлари ҳажми бўйича саккизинчи ўринга, уни ишлаб чиқазиш миқдори бўйича бешинчи ўринга чиқиб олдик. Дунёдаги ўз автомобиль саноати мавжуд бўлган давлатлар сафидан ўрин олдик.

Йилдан йилга ишлаб чиқараётган ялпи маҳсулотимиз ўсмоқда. Республикамизда уч мингдан ортиқ корхона чет эл сармоялари билан фаолият кўрсатмоқда. Умуман, бизнинг иқтисодиётимизга жалб қилинган чет эл сармояларининг ҳажми 10 миллиард Америка долларини ташкил этди. 500 дан ортиқ янги импорт ўрнини қоплайдиган маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Хуллас, «Ўзбекистон буюк келажак сари» тўпламини мутала қилган китобхон бундай саволларнинг ҳаммасига аниқ жавоб топа олади. Уларда олға интилаётган мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, чинакам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойилларини ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар баён этиб берилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу асарларнинг ҳар бири алоҳида катта илмий асар, давлатимиз ривожланиш йўлининг аниқ режаларини белгилаб берувчи етук амалий қўлланмалардир. Ушбу асарлар турли йилларда ёзилган бўлишига қарамасдан ўта долзарблигича қолган. У нафақат бизлар учун, балки кейинги авлодлар учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Келинг, 1997 йили нашр этилган ва 20 дан ортиқ давлатларда тақдимоти бўлиб ўтган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига алоҳида тўхталиб ўтайлик. Бу мўътабар асар тақдимоти АҚШ, Франция, Англия, Германия, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Латвия, Украина, Жанубий Корея, Хитой, Исроил, Италия каби 20 га яқин давлатларда бўлиб ўтди ва бир неча тилларга таржима қилинди. Юртбошимизнинг мазкур асари жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам юксак баҳоланиб келинмоқда.

Мазкур китоб давлатимизнинг ўта долзарб ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари таҳлилига бағишлангандир. Китобнинг «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида экологик муаммолар ҳар томонлама изчил таҳлил қилинади.

Президентимиз давлат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини турли офатлардан ҳимоя қилиш муаммосига жаҳон афкор оммаси эътиборини тортар экан, «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лиги ҳақида бонг уради.

«Биз тутаётган сиёсатнинг бош йўналиши Ўзбекистон хавфсизлигини ташкил этади. Бугунги кунда инсонлар хавфсизлигини таъминлашдан, хавф-хатарларнинг олдини олишдан, тинчликни сақлашдан муҳимроқ вазифа йўқдир», деб таъкидлайди мазкур асарида юртбошимиз. Бу фикрнинг нақадар долзарблигини ўтган 1998 йилнинг июль ойида содир бўлган Шоҳимардондаги табиий офат ҳам кўрсатди. Бир кечанинг ўзида дам олиш масканлари, савдо шаҳобчалари, чойхоналар, кўприклар, шунингдек, газ, телефон, электр тармоқларига зиён етказилди. Энг оғири, аҳоли ўртасида қурбонлар ҳам бўлди.

Табиий офатларни бартараф этиш муаммоси кундан кунга катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Сўнгги 30 йил мобайнида дунёда табиий офатлардан тўрт миллион киши халок бўлган, уч миллиард киши жабрланган. Умумий моддий зарар 350 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари ушбу рисоласида ерларимиз ниҳоят даражада шўрланганлигини, маиший чиқиндилар, зарарли моддалар ва минерал ўғитлар билан ифлосланганлигини муаммо сифатида кўтаради. Айниқса, Ўрта Осиё минтақасидаги радиоактив ифлосликлар Майлисув (Қирғизистон), Чкаловск (Тожикистон)даги каби сув муаммолари, санитария-эпидемиология вазиятининг ёмонлашуви, Орол фожиаси, Ўзбекистон чегарасида жойлашган қўшни давлатларнинг саноат корхоналаридан атмосферага кўп миқдорда фторли водород, углерод оксиди, олтингугурт гази, азот оксидлари ва бошқа заҳарли моддалар чиқазилаётганлиги ростдан ҳам кишини ташвишга соладиган даражада.

Аммо, афсуски, давлатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар билан курашни ташкил қилиш муаммолари қандай ҳал бўлаётгани тўғрисида аҳолида тўла ахборот йўқ. Бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида республикамизда бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва улар амалга оширилмоқда.

1996 йилда аҳолини табиий офатлардан ва техноген фалокатлардан ҳимоя қилиш мақсадида республикамизда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди, мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Булар қаторига 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида»ги Қонуни ва сўнгги уч йилда ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган муаммолари бўйича қабул қилинган ўнга яқин махсус қарор ва фармонлар киради.

Бошқа мустақил Ҳамдўстлик давлатларида кўпчилик завод, фабрикалар тўхтаб ётган бир пайтда республикамизда турли фавқулодда вазиятлар рўй бериши эҳтимоли бўлган объектларда ўқув-тайёргарлик машғулотлари ўтказилмоқда. Авария оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этиляпти.

Масалан, ер кўчиши, сув тошқини хавфи бор жойлардан одамлар хавфсиз ҳудудларга кўчирилмоқда. Сўнгги етти йил ичида 100 дан ошиқ тоғли қишлоқлардан 30 мингдан зиёд одам хавфсиз жойларга кўчирилди. Уларга замонавий уйлар, керакли газ, сув, электр қувват коммуникациялари ўрнатилиб берилди.

Юқоридаги тадбирлар билан бир қаторда Фуқаро муҳофазаси олийгоҳи ва ҳудудий тайёрлов марказларида аҳоли ва раҳбар ходимларни фавқулодда вазиятлар юзага келганда қилинадиган тезкор ҳаракатларга ўргатилмоқда. Хавфли табиий офатлар, авариялар ва фалокатлар тўғрисида ахборот-бошқарув тизими барпо этилмоқда. Махсус техника ва ускуналар билан таъминланган авария-қутқариш бўлинмалари ташкил этилмоқда.

Булардан ташқари, кўрсатилган мавжуд давлат тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида фикримизга:

ҳуқуқий пойдеворни ривожлантириш; давлат тизимини такомиллаштириш; авария-қутқариш бўлинмаларини кенгайтириш; кўп тармоқли маълумотлар банкини тузиш; айни пайти фаолият кўрсатаётган қутқариш бўйича қисмларни структурасини такомиллаштириш муаммосини ҳал қилиш лозим. Бундан ташқари, қисмларни самолёт, вертолётлар билан мустаҳкамлаш тадбирларини ҳал қилиш керак. Халқимизни турли офатлар, бало-қазолардан иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида суғурта идораларининг имкониятларини кенгайтириш йўлларини излаш керак. Давлатимизнинг тизимга ажратиб берадиган маблағларини қонуний, адолатли ва тежамли ишлатиш тадбирлари кўриб чиқилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, табиий офатлар — эпидемия, зилзила, вулқон, қурғоқчилик, тўфон, радиация, тошқин, кўчки кабиларни олдиндан билиш, уларни қисман жиловлашга бугун инсон тафаккури қодир.

Юқорида кўрсатилган муаммоларни Президентимиз ўз асарларида ниҳоятда чуқур ишлаб чиққан ва, энг муҳими шундан иборатки, муаллиф бу муаммоларни ечиш йўлларини таҳлил қилиб ўз таклифларини амалиётда қўллаган.

Президент Ислом Каримовнинг асарларини чуқур таҳлил қилган таниқли иқтисодчи олим, профессор Ҳикмат Собиров йўлбошчимизнинг «Ўзбекистон — буюк келажак сари» асарини тадқиқ қилар экан, бу китобнинг Жаҳон иқтисодиёти назарияси ва амалиётида янги саҳифа очган муҳим кашфиёт эканлигини таъкидлаб, ушбу китобни халқаро Нобель мукофотига муносиб асар деган фикрини биз ҳам юқоридаги фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда сидқидилдан қувватлаймиз.

Чунки, Президент Ислом Каримовнинг барча асарлари ўзбек халқи учун йўлчи юлдуз, ҳаётий дастуриламал бўлгани ҳолда ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, Ўрта Осиё давлатлари учун «ўзбек модели» сифатида янги, самарали намуна ҳисобланади.

***Баҳодир ҚОСИМОВ,***
***Халқаро муҳандислик академияси мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор***




## Евронинг тарғиботини кучайтиришмоқчи

Европа марказий банки (ЕМБ) жорий йилнинг 1 январидан муомалага киритилган — евро пул бирлигининг фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишларини ўтказишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда ЕМБ раҳбари Вим Дейссенберг баёнот берди.

Унинг айтишича, иқтисодий валюта иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг ҳар бир фуқароси евронинг имкониятларини тўғри англамоғи зарур. Шунингдек, у евронинг беш ҳафталик фаолиятини ижобий баҳолаб, ягона пул бирлигига ўтган мамлакатлардаги нарх-наво барқарор ҳолда сақланаётганини қайд этди.

## Тинчлик битимига эришилса...

Рамбуйеда ўтаётган Косово муаммолари бўйича музокараларда тинчлик битимига эришилса, АҚШ Мудофаа вазирлиги бу ерга ўзининг тинчлик ўрнатувчи кучларини юборади. АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэн германиялик ҳамкасби Рудолф Шарпинг билан бўлган музокараларда шундай деди.

Вазирларнинг таъкидлашича, Косово муаммолари бўйича музокараларда тинчлик битимига эришилса, НАТОнинг Косовога тинчлик ўрнатувчи кучлар юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинади. Маълумотларга қараганда, шундай битим имзоланса, НАТО Косовога 30 минг нафар ҳарбийдан иборат қўшин юборишни режалаштирмоқда. Улар сафида АҚШ армиясининг 4 минг аскари бўлади.

## Жангчилар ҳукумат томонга ўтди

Баттамбангда собиқ «Қизил Кхмерлар» сафидаги 1800 нафар жангчининг Камбоджа армияси сафига қўшилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маросимда Камбоджа Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазири Сар Кхенг нутқ сўзлаб, айни пайтда мамлакатдаги вазият ижобий томонга ўзгарганини таъкидлади. У, шунингдек, мамлакат халқи қирол Нородом Сианук ва ҳукумат раҳбарлигида жанг майдонларини ривожланган иқтисодий ҳудудларга айлантиришига умид билдирди.

Айни пайтга келиб, собиқ «Қизил Кхмерлар» жангчиларининг барчаси ҳукумат томонига ўтиб бўлди.

## Хорижий сармоя 7 миллиард доллар

Расмий маълумотларга қараганда, 1988-1998 йилларда Мьянмага киритилган жами хорижий сармоя 7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган. У 23 мамлакатдан кириб келган. Мьянмага сармоя киритган мамлакатлар орасида Сингапур етакчилик қилмоқда. Жами хорижий сармоянинг 1,5 миллиарди мана шу мамлакат сармоядорлари ҳиссасига тўғри келади.

1988 йилдан буён Мьянма иқтисодиётида очиқ сиёсат олиб борилиши натижасида мамлакатга хорижий сармоя жалб қилиниши йилдан-йилга ортиб борди. Бироқ, Жанубий-Шарқий Осиёда бошланган молиявий бўҳрон туфайли сармоя оқими камайди. 1998 йилнинг ўн ойида Мьянмага киритилган сармоя бор-йўғи 200 миллион АҚШ долларини ташкил қилган, холос.

## Хун Сен Хитойда

Камбоджа Бош вазири Хун Сен тўрт кунлик расмий ташриф билан Хитойга келди. У давлат кенгаши раиси Ч. Жунцзи ва бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказмоқда. Музокараларда икки томонлама алоқалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, ташриф давомида икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамловчи бир неча ҳужжат имзоланади.

*(ЎзА)*



*Мадрид осмонўпарлари*

*ХДП хабари*

## Маҳаллаларда мулоқотлар

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавобларини ўрганиш учун тарғибот гуруҳини ташкил этди. Олимлар, партия фаолларидан иборат гуруҳ Андижон шаҳри ва қатор туманларда меҳнаткашлар билан мулоқот ўтказдилар.

Савол-жавобларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, йўл-йўриқлар мазмун-моҳияти кўпчиликка тушунтирилди. Холис, ошкора руҳда ўтаётган суҳбатлар жамиятимизнинг турли қатламлари вакилларини истиқлолни ўз меҳнатлари билан мустаҳкамлашга даъватлантиряпти. Ўзбекистон ХДПнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

— Юртбошимизнинг ҳаёт ҳақиқатларига йўғрилган фикрларини ўрганиш бунёдкорлик, Ватанга фидойиликка руҳлантиряпти, — дейди Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Раҳимов. — Ҳаракатларимиз, тўпланган тажрибаларимиз келгусидаги фаолиятимизда асқотади.

Тарғибот гуруҳи маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар билан давра столи атрофида мулоқот ўтказишни ҳам режалаштирди.

***Аҳмадилло СОЛИЕВ,***
***«Ўзбекистон овози» мухбири***



*Икки қирғоқ — бир Будапешт*

*Миллат ва маънавият*

# Ирода

## халқни юксакликка чорловчи кучдир

Мамлакатимизда маънавий янгиланиш ҳамда унинг асосида миллий ғоя вужудга келтирилиши жараёни кечаётган бир пайтда уларни кишилар онгига сингдириш ва мустаҳкамлашда **ирода** кучи алоҳида ўрин ва мавқега эга. Зеро, инсоният ва турли тизимдаги жамиятлар тарихий тараққиётига эътибор берар эканмиз, кишилар иродасининг яратувчилик кучи доимо ўзлигини намоён этганлигининг гувоҳи бўламиз.

Буни биз халқлар мисолида: очарчилик йиллари очарчиликка, уруш йиллари қийноқ-азобларга ва душманга қарши мардонавор кураш жараёнларида, табиий офатларга муносабатларда, пахта яккаҳокимлиги davридаги оғир ҳамда машаққатли меҳнатда, тоталитар тузум зуғумларига бардош-чидамда, ғанимларга сир билдирмасликда, хулласи калом, санайверса инсон иродасининг — халқ иродасининг чексизлигида кўришимиз мумкин. Бу фақатгина ўзбек халқигагина тааллуқли ҳолат эмас, албатта. Бу ўзини миллат, халқ деб билган барча учун хос хусусиятдир. Фарқи шундаки, қайсидир бир халқда бу ўта ривожланган, баъзисида ўртачадир, умуман турлича меъёрдаги кўринишга эга ҳолатдир.

Хўш, ирода нима ўзи, деган савол туғилиши табиий. ИРОДА — инсонларнинг ўз хатти-ҳаракатини онгли равишда бошқариш, тартибга солиш ва кўзланган мақсадга интилиши. Ташқи учрайдиган тўсиқларни омилкорлик билан бартараф қила олиш имконияти ва лаёқатидир. Бунда албатта кишидаги билим, ўз-ўзини бошқара билиш қобилияти, беғаразлиги, омилкорлиги, агар миллат — халқ миқёсида бўлса биринчи навбатда Ватанга бўлган муҳаббат, унга бўлган фидокорлик, бунинг замирида унинг миллати, ота-онаси, оға-инилари, уруғ-аймоқлари, улар яшаётган замин турганлигини ҳис қилиш ётади.

Кишиларда ирода кучи ўзига хос хусусиятларга ва хилма-хилликларга эга. Жумладан **ички ирода**ни олиб қарайлик. Бу кўпроқ айнан шахсга, унинг ички кечинма ва майлларига тааллуқли бўлиб ҳисобланади. Кишида, яъни шахсда ички гўзаллик, унинг нуфузи, руҳияти, салоҳияти, ҳалоллик билан кўзланган мақсадга етиш ирода имконияти ўзлигини топа билиши лозим. Акс ҳолда, бундай кишилар ахлоқан ва ҳар жиҳатдан нопок бўлиши ҳам мумкин. Ташқариси чиройли бўлган билан ичини қурт еган олмани тасаввур қилинг. Уларни на еб бўлади, на ташлаб юборишга кўз қияди. Шунингдек, ундай ўзини инсон сановчи кимсаларни на жамиятдан суриб чиқариб бўлади, на уларга умид боғлаб бўлади. Сотқинлар кўпроқ ва асосан иродасиз кишилардан чиқиши тарихдан маълум. Бундай кишиларга бирор бир жиддий ва айниқса давлат ҳамда оила сирларини ишониб бўлмайди. Иродасиз кишилар қўрқоқ, оиласида, ишида ва жамоат ичида ҳаловати бўлмайди.

**Ташқи ирода**ни — кишининг атроф-теваракда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати ва унинг акс таъсирида кўриш мумкин. Инсон унга ташқаридан бўлган таъсирга, ҳаракатга қай тарзда муносабатда бўлади ва у билан мулоқотда бўлишнинг энг қулай йўлини топа оладими деган масала ташқи иродaнинг муҳим белгиларидан бўлиб ҳисобланади. Буни биз тарихда шахснинг роли жуда муҳим роль ўйнаганлиги кўпчиликка аён бўлганлиги каби, мамлакатимиздаги тинчлик-барқарорликни шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш, барча жабҳаларда унинг жаҳон мамлакатлари ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаши, мустақил диёримиз равнақи йўлидаги омилкор, фидокор шахсларнинг мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

**Ижтимоий ирода** — халқ иродаси — бугунги мустақил тараққиётимиз бекиёс одимларининг асосий ҳаракатга келтирувчи кучларининг айнан ўзагини ташкил қилади. Халқ иродаси эса ўз навбатида келажагимизни таъминлашнинг, бугунги кунда барча жабҳаларда қўлга киритган ютуқларимизнинг Президентимиз раҳбарлигидаги асосий кучидир.

Юртбошимиз Олий Мажлис XIII сессиясида мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар ва маълум даражадаги қийинчиликлар тўғрисида гапирар экан, бу борада: «Халқдан яширмаслик керак, халқнинг иродаси кучли, тўғри тушуниб етади», — деб таъкидлашидан мақсад ҳақиқатан ҳам халқимизнинг миллатидан қатъи назар, иркий ва диний келиб чиқишидан қатъи назар иродаси кучли, бир Ватан фарзандлари-фуқаролари сифатида жипслигига ишонганлигининг белгисидир.

Бу гап барчага баробар айтилган бўлсада, бизнингча, кўпроқ маҳаллий бошқарув раҳбар ходимларига қаратилгандир. Негаки, аксарият ҳолларда фақат моддий таъминотгагина асосий эътиборини қаратиб кўпинча, образли қилиб айтадиган бўлсак, маънавий жиҳатдан бўшаб қолаётган инсонлар қалбини бир-бирининг тафти билан иситиш, тўлдириш лозимлиги маҳаллий раҳбарлар ва маънавий-маданий ташкилот мутасаддиларининг ёдларидан кўтарилиб қолмоқда. Бу айниқса, вилоятлар ва туманлар тасарруфидаги қишлоқ аҳолиси ўртасида жуда ҳам сезиларли даражада намоён бўлмоқда.

Айни шу ҳолат кишилар иродасининг уйғун ва ижобий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта. Бундай ҳолат тезлик билан жойларда, айниқса қишлоқ аҳолиси ўртасида Президентимиз кўрсатмалари даражасида энг катта ҳажмдаги маънавий-маърифий ишларни туман раҳбарларининг бевосита иштирокида, хўжакўрсинга эмас, ҳақиқий маънода олиб боришни тақозо этади.

Лекин, шундай ҳолатга қарамасдан, халқимиз сабр-тоқатли, иродалилигининг оптимистик моҳияти нимада? Бу аввалambор халқимизга тарихий нуқтаи назардан эътибор берилса, жуғрофий, минтақавий жойлашуви, юксак маънавияти ва насли жиҳатдан ўта барқарорлигининг аломатидир. Спитамен, Тўмарис, Фаробийнинг «Фозил шаҳар аҳолиси», Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг давлат тизимида, унда мамлакат аҳолисининг яратувчанлик қудратида, архитектурасида, мелиорациясида, фан тараққиётида ва бошқа кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин.

Иккинчидан, халқимизнинг сермулоҳазалиги. «Сабрнинг таги сариқ олтин» мақолининг ҳикматидир. Чунки, фуқароларимиз умид-ишончи ва ИРОДАсининг асоси бугунги кундаги мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ижобий ўзгаришлар, қолаверса, халқимиз раҳбарининг одилона раҳнамолигининг маҳсулидир. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Халқимиз иродаси мустаҳкамлигининг яна бир муҳим жиҳати давлатимиз томонидан уларга берилган ваколатларнинг шаксиз рўёбга чиқишидир.

Бундай воқелик — мамлакатимиз аҳлининг давлат ва жамоат ишларида, халқаро алоқаларда иштирокининг таъминланиши ўз жамоатчилигимиз ва қолаверса жаҳон жамоатчилиги кўз ўнгида кун сайин янада юқорироқ даражада ўзлигини топмоқда, бойитилмоқда. Кишиларнинг демократик асосда диёримиз тараққиётида, давлат қурилишида бевосита қатнашишининг таъминланиши ҳамда ҳуқуқларининг ҳимояланиши улардаги куч-ғайратни, ўз келажагига ишончни, энг асосийси иродасини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон аҳолисининг эллик фоизга яқинини асосан ўн саккиз-ўн тўққиз ёшгача бўлганлар ташкил этади. Уларнинг ички дунёсини, дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати ва умуман юриш-туриши ҳозирги эллик ёшлиларни қўятурайлик, ўттиз ёшлилардан жуда катта фарқ қилади. Балки бу бугунги кундаги фан-техника — кибернетика, компютеризация коммуникациясининг анча илгарилаб кетганлиги оқибатидир. Кўплар шундай ўйлайди. Бизнингча, бунга бошқа томондан қарамоқ керак. Уларни эскича қолипдаги таълим-тарбия мезонидан замонавий даражадаги тарбияга ўтишини тезлаштириш лозим. Тўғри, мамлакатимиз раҳбарияти бу борада жуда кўплаб катта ишларни бошлаган ва режалаштирган. Жумладан, телевидение ва радиода «Ёшлар» каналларининг иш бошлаши, уларнинг ранг-баранглигининг оширилишига ҳаракат қилинаётганлиги, алоҳида ёшлар учун оммавий нашриётларнинг кўпайтирилаётганлиги қувонарли ҳол. Лекин булар асосан шаҳар ёшларига етиб бориб, кўп ҳолларда қишлоқ ёшлари улардан бебаҳра қолиб кетмоқдалар. Булар бари келажак жамиятимизнинг тақдирини қўлга олувчи бугунги ёшларимизни Ватанга садоқатли, айниқса иродали қилиб тарбиялашда асосий восита бўлиб хизмат қилиши барчага аён.

Ирода ва ахлоқ бир-бири билан муштарак боғлиқ тушунчалардир. Шу маънода ёшларимизни, нафақат ёшларимизни, балки мамлакатимиз аҳолисини имкон даражасида иш билан бандлигини таъминлаш лозим бўлади. «Бекорчидан худо безор» — дейди доно халқимиз. Шундай экан, фаолиятини тўхтатган айрим ишлаб чиқариш жамоа корхоналарининг иш фаолиятини ошириш ва унда ишчилар ўрнини кўпайтириш кишиларни иш билан таъминлашнинг муҳим шартидир. Шундай қилмас экан иш қидириб шаҳарларга томон келаётган «бекорчи»-ларнинг оқими кун сайин ортавермаслигига ким кафолат беради?

Бекорчи одамда ирода сўна бошлайди, кўп ҳолларда ахлоқан жамиятимизга тўғри келмайдиган кучлар таъсирига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Уларнинг «қайта ишловидан» ўтган одам бизнинг жамиятимиз учун хавфли бир субъектга айланиши табиий. Диёримиз равнақи учун ундан бирор-бир наф кўриш уёқда турсин зарари тегмаслигига кафолат бўлиши ҳам мавҳум. Яна образли қилиб айтадиган бўлсак, «Илон чаққанда ўлмаган одамни қарғашнинг ҳожати қолмайди, негаки, заҳарга чидаган қарғишга ҳам чидайди», яъни унда кеч бўлади.

Шунинг учун ҳам халқимиз маънавиятини ошириш, дунёқарашини мустақил Ватанимиз юраги билан ҳамоҳанг уришини таъминлашимиз, иродасининг мустаҳкамлигига янада кучлироқ эришишимиз бугунги кун талабидир. Айни тадбирдан бирор-бир Ўзбекистон фуқаросини четда қолдирмаслигимиз лозим. Чунки, бу вазифа ҳам бошқа барча муҳим ишлар каби давлат миқёсидаги вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Зеро, давлатимиз раҳбари бу борада иркидан, миллатидан, дини, мазҳабидан қатъий назар Ўзбекистон фуқаросиман деган барчамизнинг олдимизга миллий ғояси Ватанимиз равнақига мос тушувчи, иродаси кучли, соғлом авлодни юзага келтириш вазифасини қўяди. Барча инсоний фазилатлар қатори иродаси кучли халқ билангина шарқона, адолатли, демократик жамиятни қуришимиз мумкин.

***Ўрол АБИЛОВ,***
***фалсафа фанлари доктори, профессор***



*Абдулғани ЖУМА олган суратлар*

# Юқори нуқтада қўйилган нуқта

***Жиззах вилояти ИИБ ДАНБ ходими, милиция сержанти Абдували Эргашев салкам эллик килограмм «қорадори» гиёҳванд моддасини олиб ўтишга уринган жиноятчиларнинг қилмишини фош этди. Бу билан у минглаб инсонларни ҳалокат ботқоғидан сақлаб қолди. Шу боис, бу йигитнинг мардлиги, жасорати муносиб тақдирланиб, унга «Жасорат» медали берилди.***

Мўмай даромад илинжида Сурхондарёдан Тошкентга йўл олган «КамАЗ» машинасида жиноятчилар машинага юк ортмасак йўлда ДАН ходимлари тўхтатишмайди, деган бўлса ажаб эмас. Лекин Самарқанд ва Жиззах вилоятлари чегарасидаги юқори нуқта ДАН постида уларнинг хом хаёли пучга чиқди.

Самарқанд томондан елдек учиб келаётган «КамАЗ» автомашина ҳайдовчисининг ҳаракати негадир Абдувалида шубҳа уйғотди. Шу боис, у бу машинага тўхташ ишорасини қилди. Бироқ у тўхтамай ўтиб кетди. Янада ажабланарлиси, ушбу машина ДАН постидан анча узоқлашиб, яна ортига қайтиб келди ва ҳайдовчи ДАН ходимидан узр сўраб, ҳужжатларини кўрсатди.

Бундан шубҳаланган А. Эргашев қайтиб келган «КамАЗ» ҳайдовчисининг ҳужжатини кўздан кечириб, тезда жавоб бериб юборди ва ўзи шу заҳотиёқ ёнига икки қишлоқ фуқаросини олиб, фуқароларга тегишли бўлган «Жигули» машинасида уларнинг изидан кузата бошлади. Шунда олдинда кетаётган «КамАЗ» машинаси тўсатдан тўхтаб, ундан икки киши тушди ва ўт ўланлар оралаб кетди. Шу дам Абдували 200 метрлар чамаси узоқда машинани тўхтатди ва машина капотини очиб, худди машинаси бузилиб қолган кишилардек уларни кузата бошлади. Орадан кўп ўтмай, ҳалиги кишилар машина ғилдирагини юмалатиб чиқишиб, машинага ортишди. Буни кузатиб турган Абдували ва икки фуқаро улар ҳаракатини бошламасиданоқ етиб келиб уларни тўхтатишди. Машинага ортилган эҳтиёт ғилдирак текшириб кўрилганда ундан қора сақичга ўхшаш модда оқиб туша бошлади.

**Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир**

Ишнинг пачаваси чиққанидан талвасага тушган жиноятчилар уларга катта пул ваъда қилишди. Бироқ милиция ходими бунга рози бўлмагач, уни қўрқитишга тушади. «Бу дунёдан илдизинг билан қуриб кетасан» деган дўқ-пўписалар ҳам Абдувалини чўчита олмайди. У қатъият билан ўз фикрида туради ва жиноятчиларни ёнидаги икки фуқаро ёрдамида ички ишлар бўлимига олиб келади.

Машина эҳтиёт ғилдираги текшириб кўрилганида унинг ичига 48 килограммдан зиёд «қорадори» гиёҳвандлик моддаси жойланганлиги маълум бўлди. Жиззах вилоят суди бу жиноятчиларнинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, уларнинг ҳар бирини 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Орадан кўп ўтмай, Абдували Эргашев яна бир жиноятни очди. Ҳар доимгидай навбатчиликни қабул қилиб олиб, транспорт воситалари ҳаракатини назорат қиларди. Ҳали тонг ёришмаган. Унинг диққатини бир бош сигир етаклаб келаётган йигит тортди. Йигитни саволга тутганида унинг гаплари шубҳа уйғотди. Негаки, йигит молни Оқтепадан етаклаб келаётганлигини, уни Ғаллаорол бозорида сотмоқчи эканлигини гапирди-ю, бироқ кўзлари олазарак бўлиб Абдувалига тик қарай олмади.

Шунда Абдували молнинг арқонига синчковлик билан назар солганида негадир унинг арқони калта эмас, балки узунлигини кўрди. Одатда мол сотувчилар арқонни калта қилиб юришарди, бунинг арқони эса 10 метрлар чамаси келади. Демак, бу мол арқонланган жойидан ўғирлаб келинаётганга ўхшайди, деди-ю, уни яна сўроққа тутди.

Хуллас, шубҳаси тўғри чиқиб, мол ўғриси ДАН постида қўлга олинди.

***Шуҳрат РЎЗИЕВ,***
***Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ***


**«Алло, газетами?..»**
*Шавкат АКРАМОВ олган сурат*

**«Байбиғй оламан...»**
*Содиқ МАҲКАМОВ олган сурат*

**«Афандига ўхшадимми?»**
*Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат*

*Хатлар, хатлар, хатлар*

# Сохта диплом теварагидаги сохталиклар

***Мен ёзмаган жой қолмади. Бироқ, менинг дардимга ҳеч ким қулоқ тутмаяпти. Балки матбуот ёрдами туфайли менинг сўзимга эътибор қиладиганлар топилар.***

Сурхондарё вилоят ДАН бўлимида йўл-патруль хизмати оддий инспектори, милиция старшинаси бўлиб ишлаб юрган Ҳамидов Ҳусан таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик йўли билан лейтенант унвони олиш учун ҳаракат қилиб, Тошкент Автомобиль йўллари институтини битирганлик тўғрисида 1993 йил 21 июнда қайд этилган 153 д РВ № 908662 сонли сохта дипломни вилоят ички ишлар бошқармасига топширади. Ва... бу ҳақда кейинроқ тўхталаман.

Сохта диплом эгасини таъмагирликлар эвазига кўтар-кўтар қилмоқчи бўлганлар менга туҳмат уюштирдилар. Эгаллаб турган вазифам — вилоят ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари вазифасидан ноҳақ четлаштирдилар. Чунки... бир воқеа рўй берди: 1996 йилнинг 22 сентябрь куни кечаси бошқарма шахсий хавфсизликни таъминлаш гуруҳининг катта инспектори, ички хизмат подполковниги А. Музаффаров маст ҳолатда Дарбанд давлат автомобиль назорати масканига келади. Бу ерда хизмат вазифасини ўтаётган милиция старшиналари Ш. Рашидов ва С. Сулаймоновларга дўқ уради. «Нега Фарғонадан келган «КамАЗ» машиналари ҳайдовчиларидан пул олдиларинг?» — деб уларнинг чўнтакларини титкилаб текширади, қўпол гапириб обрўларини тўкади. Бу икки милиция ходими эса вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига шикоят билдирги ёзишди.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи (ҳозирда собиқ) А. Ерматов бу масалани текшириб, адолатли ҳал қилишни менга топширди. Мен эса масалага одиллик билан ёндошиб, А. Музаффаровнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги, махсус гуруҳ тузмасдан ва энг асосийси бошқарма раҳбариятининг рухсатисиз, Ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжат талабларини бузган ҳолда иш тутганлигини аниқладим. Бу хусусдаги материалларни тайёрлаб, А. Ерматов имзоси билан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Қ. Бобоқуловга олиб киришга тайёрладим. А. Музаффаровнинг «қаттиқ ҳайфсан» интизомий жазони олиши нақд бўлгач... Айримларнинг аралашуви билан бу иш босди-босди бўлиб, далиллар «ўз исботини топмади».

Кўп ўтмай — 1997 йил август ойи охирларида Республика Ички ишлар вазирлигининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Б. Тиллахўжаев хизмат сафарига келиб, вилоят ички ишлар идораларининг собиқ ходими, милиция капитани О. Аҳмедов хизмат гувоҳномасини топширмаганлиги ҳолати юзасидан хизмат текшируви ўтказади. Милиция капитани О. Аҳмедов 1994 йил ноябрда ички ишлар идоралари сафидан хизматдан бўшатилган бўлиб, бу вақтда мен юқорида қайд қилинган лавозимда ишламаган бўлсам-да, гўёки қўл остимдаги ходимларнинг хизмат фаолиятлари устидан талаб даражасида назорат ўрнатмаганлигим, ўз хизмат вазифамга совуққонлик билан ёндошганликда айбланиб, 1997 йил 30 августдаги хулосага биноан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига менга «ҳайфсан» интизомий жазоси берилиши ҳақида таклиф киритилади. Бу камчиликлар олдинги ўринбосар даврида рўй берган бўлса-да, барча айбларни менга «тақашди».

1997 йил 14 сентябрда Ички ишлар вазирлигига қарашли тиббиёт хизматининг Наманган шаҳридаги республика физиотерапевтик шифохонасида даволаниш учун кетдим. Бошқарма давлат автомобиль назорати бўлими ихтиёридаги йўл-патруль хизмати взводи собиқ командири, милиция майори Х. Амировнинг отаси ва амакиси Амир ҳамда Абдурайим Жовлиевларнинг бошқарма раҳбарияти, шунингдек бошқарма давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги О. Ҳайитмуродовларнинг хизмат фаолияти давомида йўл қўйган хато-камчиликлари юзасидан ёзилган шикоят аризаси текширилади.

Атайин қилинган қалбакилик 1997 йил 21 апрелда, мен Тошкентга республика ички ишлар идораларининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиқлари ўринбосарларининг ўқув-услубий йиғилишига кетган пайтимда амалга оширилган. Бошлиғим А. Ерматов ва жамлаш гуруҳи катта инспектори А. Қодировлар Тошкент Автомобиль йўллари институтини 1996 йил 22 майда тугатганлиги ҳақидаги 18/854-сонли сохта ижобий жавоб хати орқали бошқарма давлат автомобиль назорати бўлимига қарашли йўл-патруль хизмати инспектори лавозимида фаолият кўрсатиб келган милиция старшинаси Ҳ.Ҳамидовни шу жойнинг ўзида ўрта бошлиқлар таркибига кирувчи йўл-патруль хизмати катта инспектори лавозимига тавсия қилиб юборишади. Натижада Ҳ. Ҳамидов 1997 йил 31 июлда нотўғри тарзда «милиция лейтенанти» унвонини олади.

Текширишда бу айблар очилгач, А. Ерматов ҳам, А. Қодиров ҳам ўз айбларини менга ағдаришди. Улар гўё комиссия тузиб, уларга мен қолдириб кетган калит билан менинг хизмат хонамни очиб, столим устидан (ўзлари қўйиб қўйишган) Ҳ. Ҳамидовнинг институтда ўқимаганлиги ҳақидаги ҳеч жойда кирим қилинмаган ва бошлиқлар сипориши бўлмаган Тошкент Автомобиль йўллари институти томонидан берилган числоси анча кейин қўйилган хатни «топиб олишади». Ҳолбуки, савол туғилади: Ҳ. Ҳамидовни лавозимга тайинлаш ҳақидаги тавсияномани ким берганди? Лавозимга тайинлашдаги суҳбат варақаларига ўз розиликларини ифода этиб кимлар имзо чекканди? Унвонга тавсия этишдаги ҳужжатларни ким имзолади? Ана шулар ўрганилса, айбдорлар «мана мен» деб турибди.

Милиция старшинаси Ҳ. Ҳамидовни лавозимга тайинлаш ҳақидаги тавсиянома бошқарма ДАНБ бошлиғи, милиция подполковниги О.Ҳайитмуродов томонидан вилоят ИИБ бошлиғи номига киритилган бўлиб, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги А.Ерматов ўз сипориши билан кўриб чиқиб, таклиф киритиш учун бошқарма ШТБИХни жамлаш гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти А.Қодировга беради. Милиция катта лейтенанти А.Қодиров томонидан ўрганиб чиқилиб, 1997 йил 21 апрелда бошқармани масъул ходимлари ва раҳбарларини розилиги олинган ҳолда юқорида қайд қилинган лавозимга тайинланади. 1997 йил 23 апрелда милиция старшинаси Ҳ. Ҳамидовга биринчи унвон «милиция лейтенанти» берилиши ҳақидаги тавсияномани масъул ходимлар Ш.Саидқулов, А.Ерматов, О. Ҳайитмуродов, Х. Эргашев, Э.Қурбонмуродовларни имзоси билан раҳбарият номига киритилади.

Мен Ҳ. Ҳамидов «иши» бўйича йўл қўйилган нуқсонларга сабабчи эмаслигимни тасдиқловчи ҳужжатлар билан масъул раҳбарларга мурожаат қилдим. Бироқ... Бугунги кунда мен айбсиз-айбдор бўлиб ўтирибман. Мен Наманганда даволанаётган пайтда ўзларича комиссия тузишиб, иш столимдан ТАЙИни тугатиб келган Ҳамидов Ҳусаннинг сохта дипломи, яъни унинг ҳақиқатдан ўқимаганлиги тўғрисидаги алоқа хат чиқиб қолгани нимаси?!

Мен бу далилларни мансаб учун, юқори лавозим учун келтираётганим йўқ. Ноҳақдан-ноҳақ жабр кўрса, одам эзилиб кетар экан. Иш, мансаб ўткинчидир. Мени ўз вазифамдан озод этсалар ҳам майли эди. Лекин, келажакда раҳбарлик лавозимларида фойдаланилмасин, деган хулоса билан бўшатишди?

Шубҳасизки, ушбу ҳолат адолатли текширилса, масала ойдинлашади. Ҳозирғача турли идоралардан олган жавоблардан эса рози эмасман!

***Акрам ЗИЁЕВ***

